

Ҳар бир маст қилувчи ҳаромдир | Сийрат дарслари (318-дарс)



19:00 / 21 февраль 713

584. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У шундай деди: «Таомнинг энг ёмони келган одам қайтарилиб, бosh тортган одам даъват қилинадиган зиёфатнинг таомидир. Ким даъватга ижобат қилмаса, батаҳқиқ, Аллоҳга ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлади».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

585. Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бирортангиз (ичимлик) ичса, идиш ичига нафас чиқармасин», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

586. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ичимлик келтирилди. У зот ундан ичдилар. Ўнг тарафларида бир бола бор эди. – Бошқа ривоятда: қавмнинг энг кичиги. – Чап тарафларида ёши катталар бор эди. Шунда у зот болага: «**Анавиларга беришимга изн берасанми?**» дедилар.

«Аллоҳга қасамки, Эй Аллоҳнинг Расули, сиздан қолган насибамга бировни

раво кўрмайман», деди бола. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (идишни) унинг қўлига узатдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

587. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қўпи маст қилган нарсанинг ози ҳам ҳаромдир»**, дедилар».

Насоий, Ибн Можа, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

588. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ ҳамрни, унинг ичувчисини, қуиб берувчисини, сотувчисини, сотиб оловчисини, сиқувчисини, сиқтирувчисини, қутарувчисини ва қутартирувчисини лаънатлади»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

589. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир маст қилувчи ҳамрдир. Ҳар бир маст қилувчи ҳаромдир. Ким бу дунёда ҳамр ичиб, уни тарк қилмай ўлиб кетсаю, тавба қилмаса, охиратда уни ичмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

(Бу ҳадисдаги «охиратда уни ичмайди» деган жумла қиёс учун гапирилган. Жаннатийларнинг ҳеч бир таоми бу дунёникига ўхшамайди. Хусусан, ичимликлари ҳам. Юқоридаги жумланинг маъносига кўра, бу дунёда ҳамр ичиб, уни тарк қилмай ва тавба ҳам қилмай ўтган одамлар жаннатга кирмайдилар. Валлоҳу аълам. – Тарж.)

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хulosasi асосида чоп этилган.